Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 88 (7. 177) 1990 йил 18 апрель, чоршанба Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

17 апрель куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг область партия комитетлари биринчи ва иккинчи секретарлари иштирокида кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартиясида ҳисобот ва сайловларнинг бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Масалани муҳокама қилиш чоғида қизғин тус олган ҳисобот-сайлов кампанияси КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март Пленумлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳалари таъсири остида ўтаётганлиги таъкидланди. Партияни янгилашнинг асосий муаммолари юзасидан съездолди мунозараларининг, йиғилишлар ва конференцияларнинг ўтишига оммани кенг миқёсда сиёсийлашганлиги, республикадаги мураккаб иқтисодий вазият, ижтимоий кескинлик ўз таъсирини ўтказаётганда. Бошланғич ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари асосан тугалланди. Дастлабки 17 шаҳар, район партия конференциялари бўлиб ўтди. Умуман демократиялаш, ошкораликнинг чуқурлашганлиги, коммунистларнинг юксак фаоллиги ва танқидий кайфияти, қайта қуришнинг боришидан қониқмаслик улар учун хос бўлди.

Шу билан бирга ҳозирги ҳисобот-сайлов кампанияси алоҳида аҳамиятга эга эканлигига ва муддатлари жуда қисқалигига қарамай, айрим область, шаҳар ва район партия комитетлари йиғилишлар ва конференцияларга тайёгарлик кўриш ва уларни ўтказишга тегишлича масъулият билан қарамадилар, аввалбошданоқ назоратни бўшаштириб юбордилар.

Марказий Комитет Бюроси республика партия комитетлари зиммасига район, шаҳар, область партия конференцияларини ташкилий ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан юксак даражада тайёрлаш ва ўтказиш масалаларига эътиборни кучайтиришни юклади. КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларини, КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига очиқ хатини кенг муҳокама қилиш, уларда баён қилинган принципиал масалаларга доир ўз позицияларини белгилаб олиш учун съездолди ҳисобот-сайлов кампаниясидан самарали фойдаланиш керак. Ишнинг янги шаклларини коллектив бўлиб излаш, вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий вазиятни, КПССнинг жамиятдаги янги ўрни ва ролини ҳисобга олиб партия ташкилотлари фаолиятини янгилаш программасини ишлаб чиқиш таъминлансин.

КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март Пленумлари, уларда қабул қилинган ижтимоий-сиёсий системада партиянинг янги ролини белгилаб берувчи съездолди ҳужжатлари талаблари асосида Марказий Комитет Бюроси область партия комитетлари структурасини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратини такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилди ва бу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.



ДАСТГОҲЛАРНИ ИЗМИГА СОЛИБ. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Мастура Саидрасулова.

Р. Шарипов сурати.

Раҳм-шафқат ҳафталиги

Ҳам бурч, ҳам виждон билан

⊙ Чилонзор районида ўтган йилнинг октябрь ойида ижтимоий ёрдам жамғармаси ташкил этилган эди. 32 кишидан иборат кенгаш тузилди. Унга район уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси В. С. Зайцев бошчилик қилмоқда.

РАЙОН Совети ижроия комитети жамғармага ҳисса қўшган биринчи ташкилот бўлди. У жамғарма ҳисобига 35 минг сўм ўтказди. Ундан сўнг эса Совет-Италия қўшма корхонаси «Совпластитал» ҳисса қўшди. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ташкилоти 10 минг сўм, «Ташстройтранс» ташкилоти 4 минг сўм, «Восток» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси 3 минг сўм, Ўзбекистон агросаноат банкининг техника маркази 2600 сўм, районнинг бошқа корхона ва ташкилотлари ҳам маблағлар ўтказдилар. Бугунги кунга келиб жамғарма ҳисобига жами 104 минг 542 сўм ўтказилди.

Жамғарма кенгаши хайр-эҳсон бераётган ташкилотларнинг маконларини айтмоқда. Ижро этувчи штат ҳам ташкил этилди. Унинг таркибига бухгалтер-инспектор ва кассир кирган.

Хўш, бу маблағлар нималарга сарф қилинади?

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти қунига 37 оталиққа олинган кишининг ҳар бирига 15 сўмгача миқдорида байрам маҳсулотлари туркуми топширилди. Худди шундай байрам совғаларини Халқаро хотин-қизлар куни 270 ёлғиз онахонлар ҳам олдилар. 1 мартдан бошлаб ижтимоий ёрдам жамғармаси ҳисобидан оталиққа олинган кишиларнинг уйларига бориб ҳар ойда сартарошлик хизмати кўрсатиш учун ҳақ тўлаб борилияпти. Шунингдек жуда оз миқдорда пенсия оладиган кишиларга квартира ҳақи ҳам тўланмоқда. Айрим жуда эҳтиёжсизган пенсионерларга эса моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Оталиққа олинганларнинг уйларини супуриб-сидириш штати ҳам ташкил этилмоқда. Ҳозиргача икки нафар фаррош бу борада ишлаб турибди.

— Маҳаллий бюджет ҳисобига, — дейди район ижтимоий таъминот бўлимининг мудираси ва жамғарма кенгашининг котибаси Татьяна Тимофеевна Усмонова, — биз кам пенсия оладиганларнинг нафақаларини ойига 50 сўмгача кўпайтирдик. Бизнинг ветеранларимизни Чилонзор улгуржи-чакана савдо идорасининг 7-сабзавот магазинига бириктириб қўйдик. У ерда улар картошка ва пиёз билан таъминланмоқдалар. Ҳозир район Совети ижроия комитети олдига уруш ва меҳнат ветеранлари учун сут магазини очиш тўғрисидаги масалани қўяпмиз.

Ўйлаймизки, ветеранлар ва ногиронларга хизмат кўрсатаётган, ҳозир ишлаб турган магазинларга ҳам катта эътибор бериш лозим. Афсуски, бу магазинларда маҳсулот турлари анча чегараланган. Масалан, Чилонзор район озиқ-овқат идорасининг 34-магазинида сиз кексалар учун зарур бўлган айрим маҳсулотларни тополмайсиз: кўпгина парҳез маҳсулотлари йўқ. Саноат моллари бўлимида эса кексаларнинг иссиқ ва арзон пойабзал, уйда кийиладиган шиппаклар ва бошқа ўзига мос уст-бошларни қидириши бефойдадир. Магазин директори С. М. Баҳромов ҳам буни тан олади. Ҳақиқатан ҳам бу магазин ўз харидорлари талаб-эҳтиёжларини қондира олмаяпти. Бу аҳвол эса бу ерда ҳатто таҳлил этиб ҳам кўрилмаган. Бундан ташқари унинг фикрига кўра, магазинга бириктирилган кишилар жуда кўпайиб кетган.

Бу муаммони ҳал этиш билан кимлар шуғулланиши керак?

— Биз жавоб тополмаётган бундай саволлар кўп, — деди район жамғармаси кенгашининг раиси Василий Сергеевич Зайцев. — Масалан, ўз фаолиятимизда рўй берган бир воқеа ҳақида гапириб бермоқчиман. Магазинлардан бирида ҳайр-садақа йиғиб юрган, кўзлари киртайиб кетган кампирга тўқнаш келиб қолдим. Унинг турмуши билан қизиқдим. У яшаётган квартирага бордим. У уруш ветерани — ўғли билан яшар экан. Ўғли тўшакда ётиб қолган. Улар аввал уч хонали квартирада туришган, квартира ҳақига қурбилари етмагач, бир хоналикка алмаштиришган. Аммо у ерда ҳозирча пропискасиз туришаркан. Шунинг оқибатида 90 яшар кампир ҳатто пенсиясини олиш учун ҳам почтага ўзи бораркан. Пенсияси эса кўп эмас, 54 сўм, ўғлининг нафақаси эса 56 сўм. Албатта, 110 сўмга икки кишининг яшаши қийинроқ. Мана шунинг учун ҳам кампир ўзининг ожиз қўлларини яхши кишиларга илтижо билан узатишга мажбур бўлган. Бизнинг жамғармамиз эса унга икки марта 30 сўмдан ёрдам берди. Шу кунларда эса унга ҳар ойда 70 сўмгача пенсиясини ошириш тўғрисида қарор қабул қилинмоқда. Қолаверса, муҳими бу эмас. Мен бошқа бир масалага жавоб тополмаяпман. Унинг тўшакда ётиб қолган ўғлининг икки фарзанди бор. Қизи мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлайди. Ўғли эса такси ҳайдайди. Улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳақида гапиргимаёқ қўяқолайлик. Улар ҳатто моддий жиҳатдан ўз яқинларига ёрдам кўрсатишмас экан. Агар бундай ҳоллар биттагина бўлса майли эди-я, бунчалик даранг-дурунг қилмас ҳам эдик. Аммо афсуски, биз бундай ҳоллар билан онда-сонда дуч келаётганимиз йўқ-да. Шунинг учун ҳам мен шахримизда ўтказилаётган раҳм-шафқат ҳафталигининг бош вазифаси кишиларни тарғиб ва ташвиқ қилиш деб ўйлайман. Бу нарса фақат пул эҳсон қилишдагина ўз ифодасини топмайди, албатта. Балки ўзи билан ёнмаён яшаётган кексаларга илиқ сўзнинг аямаслик, автобусда бола кўтарган аёлга дарҳол жой бўшатиб бериш, қариндош-уруғлар ва яқин кишиларни эслаб туриш ва уларникига меҳмон бўлиб бориш ҳақида гап бормоқда.

Барибир, раҳм-шафқат ҳафталиги муҳтожларга пул билан ёрдам бераётганини ҳисобга олиб, биз ижтимоий ёрдам жамғармасининг Чилонзор район саноат-қурилиш банки счети — 000142926 ҳисобига пул ўтказиши мумкинлигини хабар қиламиз. Код 734310. Хоҳлаган корхона ва истаган кишилар баҳоли қудрат ўз бадалларини юборишлари мумкин.

С. РАҲИМОВА,
Л. ДЎРМОНОВА.

«ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИСИ» САФАРДАН ҚАЙТДИ

⊙ БУГУН, 18 апрель куни эрта тонгданоқ янграган карнай-сурнай садолари остида гул кўтарган юзлаб кишилар сафардан қайтган халқ маорифи ходимларини олқишлаб кутиб олишди. «Ўзбекистон ўқитувчиси — 90» агитпоезди қатнашчилари мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида бўлишиб, халқ таълими ишлари билан танишишди.

Салкам уч ҳафта давом этган сафар давомида ҳамюртларимиз Иттифоқимизнинг ўн шаҳридаги касбдошлари тажрибалари билан танишишди. РСФСР, Украина, Молдавиянинг мактаб ва пионерлар саройларида олиб борилаётган ишларни кўриб ўзаро фикрлашишди. «Давра столи» суҳбатлари қизғин ўтди.

Киров районидаги 88-мактабнинг ўқитувчиси Г. Акрамова сафар ҳақида шундай деди:

— Агитпоезд таркибида сафарда қатнашганимдан ғоятда мамнунман. Биз ўқитувчилар учун унинг фойдаси жуда катта. Шундай учрашувлар, тажриба алмашишлар тез-тез ўтказиб турилса жуда яхши бўларди.

Р. АБДУЛХАЕВ.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МАРКАЗИ

⊙ ТОШКЕНТДАГИ 21-ҳунар-техника билим юрти ҳам янгича иш бошлаган кадрлар ўчоқларидан бири-дир.

Бу ерда синов-тажриба сифатида дастлабки ютуқлар қўлга киритилди. Шуниси эътиборга лойиқки, бундай кузатишлар Бутуниттифоқ миқёсида олиб борилаётган таълимий тадбир доирасида уюштирилмоқда. Ана шундай кенг доирада қатнашиш учун педагогик жамоа етарли ҳуқуққа эга.

Аввало, бу даргоҳ жумҳуриятимизда электрон-ҳисоблаш машиналарини бошқарувчи оператор кадрларни тайёрлаб беришга ўтказилган дастлабки билим юртларидан бири саналади. Ўқувчи-ёшларга билим ва амалий кўникмалар бераётган педагогик жамоа тажрибали мутахассислар билан етарли таъминланди.

Ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталари томонидан тайёрланган ўқув дастури ўзига хос илмий хусусиятлар билан ажралиб турибди. Шунинг учун ҳам унга техникум даражасида кадрлар тайёрлаш ҳуқуқи берилди.

Билим юрти орттираётган тажрибалар, эришилаётган ютуқлар кейинчалик умумлаштириб, жойларда ёйилади.

С. ОДИЛОВА.

Долзарб мавзуда суҳбат

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ЯНГИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси Тошкент шаҳар партия комитетининг район партия комитетларининг таркибий тузилишини такомиллаштиришга оид ташаббусини маъқуллади.

Мухбирларимиз Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Ю. А. Асепков билан учрашиб, шаҳар партия комитетининг таклифига оид қатор саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

— Юрий Асаралович, энг аввало район партия комитетлари янги таркибий тузилишини ишлаб чиқишнинг бонси нимада эканлигини билишни истардик. Ҳозир КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, КПСС Уставининг лойиҳаси муҳокама қилинаётган бир даврда район партия комитетларини умуман тугатишни таклиф қилаётган коммунистлар ҳам бор. Бунинг устига, яқинда район партия комитетларини маълум даражада қайта ташкил этиш амалга оширилди, натижаларга қарағанда бу сезиларли силжишларга олиб келгани йўқ. Шаҳар партия комитети таклиф этган янгилик партиянни танқид қилаётганлар учун шаҳар партия комитетини «аппарат ўйинлари»да айблаш учун баҳона бўлмасмикан?

— Таклифларимизнинг мақсад ва мазмунини яхшироқ тушуниш учун умуман район партия комитетининг ўзи нима эканлигини билиш муҳимдир.

Аслини олганда у район партия ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органидир, унга бошланғич партия ташкилотларининг энг фаол, обрўли, ташаббускор вакиллари сайланади. У район партия ташкилотининг фаолиятининг турли масалалари бўйича қарорлар қабул қилади, унинг ишига раҳбарлик қилади.

Ваҳоланки амалда, айниқса қайта қуришдан олдинги йилларда, бугунги айрим ҳолларда ҳам, сайлаб қўйиладиган орган ўрнини район партия комитетининг аппарати эгаллаб олди. Шунинг учун кўпгина кишиларнинг онгида, шу билан бирга афсус билан айтиш керак, айрим коммунистларнинг онгида «район партия комитети» деган тушунчанинг ўзи унинг аппарати деган тушунчани келтириб чиқаради.

Бундай қолипнинг таркиб топганлигига кўпгина сабаблар бор. Энг асосий сабаблардан бири район партия комитетлари ва уларнинг аппаратлари ишида ошкораликнинг йўқлигидир. Кўп ҳолларда район партия комитетларига коммунистлар «анкета маълумотларига» ёки эгаллаб турган лавозимига қараб кўрсатиларди ва сайланарди. Бу шунга олиб келдики, аслини олганда барча қарорлар аппаратчилар томонидан ишлаб чиқиларди, райком аъзолари эса пленумларда уларни тасдиқлашарди холос. Мазкур қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш, асосан аппаратчилар зиммасига тушарди.

Бир сўз билан айтганда, район партия комитети, яъни сайлаб қўйиладиган орган кўзда тутилганидек ишламасди. Энг яхши район партия комитетларида сайлаб қўйиладиган органнинг маълум қисмигина ишларди, кўпчилик эса «хўжакўрсинга» ҳозир бўларди.

Яқинда ўтказилган район партия комитетларидаги ўзгаришларга келганда, бу ўзгаришлар умуман райкомларга таъсир этмаган ҳолда, унинг аппаратига, аппаратнинг қисқартирилишига, айрим бўлимларнинг тугатилишига олиб эди.

КПСС Марказий Комитети февраль ва март (1990 йил) Пленумларининг қарорларида, съездолди ҳужжатларида партиянинг ижтимоий-сиёсий системамиздаги янги аҳамияти белгилаб берилди. Партия комитетлари, уларнинг аппаратлари вазифалари ўзгармоқда. Шу сабабдан Тошкент шаҳар партия комитети район партия комитетларининг намунавий таркибий тузилиши ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқиш ва муҳокамага ҳавола этиш лозим, деб топди. Айни вақтда туб ўзгаришларни амалга ошириш, партия комитетининг асосий ишини сайлаб қўйиладиган фаоллар ва район комитетларининг устун йўналишлар бўйича комиссиялари зиммасига юклаш таклиф этилмоқда.

— Амалда у қандай кўринишни касб этади?

— Конференция район партия ташкилотининг олий органи бўлади. Конференция район партия комитетини сайлайди, у беш йил муддатга сайланади. Район партия ташкилотининг сонидан келиб чиқиб, район партия комитетини 70—90 кишидан иборат составда сайлаш тавсия этилади. Район партия комитети, албатта бошланғич партия ташкилотларининг фикрини ҳисобга олиб, 11 нафаргача бўлган бюрони сайлайди, бюро аъзолигига район партия комитетининг уч секретари ҳам киради. Район партия комитети пленумида эса райкомнинг сайланган аъзоларидан икки комиссия: мафкуравий масалалар ва ижтимоий сиёсат ҳамда ташкилий-партиявий масалалар ва ҳуқуқий ишлар комиссиялари тузилади. Бизнинг таклифимизга кўра мафкуравий масалалар ва ижтимоий сиёсат комиссиясига район партия комитетининг мафкура бўйича секретари, ташкилий-партиявий масалалар ва ҳуқуқий ишлар комиссиясига район партия комитетининг иккинчи секретари раҳбарлик қилиши мақсадга мувофиқдир.

— Комиссиялар ишини қандай ташкил этиш мўлжалланаяпти?

— Ҳар бир комиссия таркибига район партия комитетининг 20 нафар аъзосини, шу жумладан икки нафар райком аъзоси этиб сайланган аппарат ходимини, 2—4 нафар бошланғич партия ташкилотлари томонидан асосий ишдан озод қилиниб йўлланган район партия комитети аъзоларини киритиш мўлжалланади, айни вақтда уларнинг маошлари (тўла ёки қисман) ана шу бошланғич партия ташкилотларининг маблағларидан тўланади. Аниқ қарор партия конференциясида ёки пленумда бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг кенгаши билан албатта келишиб қабул қилинади. Комиссия таркибидаги район партия комитетининг қолган аъзолари жамоатчилик асосида ишлайди.

Район партия комитети доимий комиссияларининг барча қарорлари бошланғич партия ташкилотлари учун директив аҳамиятга эга бўлади.

— Съездолди ҳужжатларида назорат-тафтиш комиссияларини тузиш ҳам кўзда тутилади...

— Бундай комиссиялар район партия ташкилотларни ҳузурида ҳам тузилади. Конференцияларда бундай комиссияларни 25—30 кишидан иборат таркибда сайлаш тавсия этилади. Назорат-тафтиш комиссиялари партия ташкилотларида программ ҳужжатлар ва КПСС Уставининг бажарилиши, партиявий интизомга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширадилар. Назорат-тафтиш комиссияси раисининг лавозими озод қилинган лавозим ҳисобланади. Мабодо район партия ташкилотида, мазкур комиссиянинг озод қилинган ходимлари кўпроқ бўлиши керак деб топилса, район конференциясида ёки назорат-тафтиш комиссиясининг пленумида бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг кенгаши билан келишган ҳолда ва ана шу кенгаш розилиги билан шу ҳақда қарор қабул қилиниши мумкин.

— Асосий ишни комиссиялар олиб борар экан. Район партия комитети аппаратининг роли нималардан иборат бўлади?

— Сиёсий вазиятни таҳлил этиш ва башорат қилиш, принципиал масалалар бўйича барча қарорларни асослаб бериш, партиявий ишларнинг услуб ва методларини такомиллаштиришга доир тавсияномаларини ишлаб чиқиш ва албатта, партия қарорларининг бажарилишини ташкилий ҳамда мафкуравий таъминлаш, район партия комитети аъзоларига ва комиссияларига ҳар томонлама ёрдам бериш уларнинг вазифасига киради.

Таклиф қилинган структурадан аппарат таркибида ҳар бири 3—4 кишидан иборат ташкилий ва мафкуравий бўлимларга эга бўлиш кўзда тутилади. Аппаратдан комиссия таркибига кирувчилар бундан мустасно. Мазкур бўлимларда маслаҳатчи ва партия ташкилотчиси лавозимлари бўлади. Бу лавозимларни тегишли билимга, иш тажрибасига эга бўлган, район партия комитети бюросида тасдиқланган коммунистлар эгаллайдилар. Ҳисобга олиш сектори ташкилий бўлим таркибига киради, ишларни олиб бориш учун эса район партия комитетларида озод қилинган бир ходими бўлган умумий бўлим ҳам иш кўради.

— Демак, район партия комитетларининг аппаратлари сезиларли даражада қисқарар эканда?

— Албатта. Намунавий таркибий тузилиш амалга оширила бошланса район партия комитетлари аппаратида 15 нафаргача киши ишлайдиган бўлади.

— Қолганларнинг тақдири нима бўлади?

— Район партия комитетларида партиявий ишдан бошқа ҳеч нарсани билмайдиган, ҳеч нарса қўлидан келмайдиган одамлар ишлайди, деб ўйлаш керак эмас. Бугунги кунда райкомларнинг аппаратларида талайгина халқ хўжалиги турли тармоқларининг юқори малакали мутахассислари меҳнат қилишяпти. Қайта ташкил этиш давомида ортиқча бўлиб қолган ходимлар хоҳишлари ҳисобга олиниб, мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилади. Аминманки, улар ўз билимлари, тажрибалари билан бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлашади.

— Район партия комитетларини бирдан механик тарзда қайта ташкил этиш йўли билан кутилган натижаларга эришиб бўлмаса керак...

— Албатта. Райком ишининг самарадорлиги комиссиялар ишининг самарадорлигига, бу эса ўз навбатида мазкур комиссиялар таркибига кимлар сайланишига боғлиқ бўлади. Яна тақрорлайман, комиссия аъзолари фаол, ваколатли, маълум даражада ташкилотчилик қобилиятига эга, ишчан, юксак маънавий фазилатларга эга кишилар бўлиши лозим. Мабодо уларнинг партиявий-сиёсий иш тажрибаси бўлса, бу нур устига аъло нур бўлади. Ўйлайманки, ҳар бир район партия ташкилоти ишида бундай кишилар талайгина. Ҳозир энг муҳими, район партия конференцияларининг делегатлари район партия комитети комиссияларида кимлар ишлай олиши ҳақида жиддий мулоҳаза юритишлари, уларни тўғри танлашлари керак.

— Район партия комитетларини қайта ташкил этишни қачондан бошлаш мўлжалланади?

— Аппаратларни янги таркибий тузилиш ва штатларга яқинлашиб келаётган ҳисобот-сайлов партия конференцияларига қадар мувофиқлаштириш тавсия этилган. Шу йилнинг 1 майига қадар комиссиялар, бўлимлар, комиссия аъзолари ва район партия комитети аппарати ходимларининг вазифалари ҳақидаги низомни ҳам ишлаб чиқиш зарур. Уларнинг ҳар бири ўз хизмат доирасига кирувчи масалаларни аниқ билиши ва уларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлиши керак.

Умуман олганда, менинг назаримда, аппаратни ва бутун район партия комитетини қайта ташкил этиш партиявий ишларга бугунги кунда зарур бўлган жўшқинлик ва аниқ мақсадга интилиш руҳини бағишлаш, райком аппаратининг район партия ташкилоти сайлаб қўйиладиган органи ўрнини эгаллашидек ярамас тажрибасидан қочиб қутилиш, ишга райкомнинг барча аъзоларини жалб этиш, шу йўл билан бошланғич партия ташкилотларини билан, коммунистлар билан алоқани мустаҳкамлаш, омма орасида бевосита жонли иш олиб борилишини таъминлаш имконини беради.

Суҳбатни
Э. ЭРНАЗАРОВ ва С. ЛИ
олиб бордилар.

НАМАНГАН НАВОЛАРИ

БУГУН пойтахтимизда уч кун давом этган «Наманган кунлари» шодиёнаси ниҳоясига етди. Эрталаб «Ленинград» меҳмонхонаси олдида меҳмонларни карнай-сурнайлар билан кузатиш маросими бўлди.

Мухбиримиз шу ҳақда қисқача гапириб беришни илтимос қилиб Тошкент шаҳар маданият Бош бошқармаси бошлиғининг муовини А. Абдуғаниевга мурожаат этди.

— Меҳмонларни ўтган куни кеч соат олтиларда тантанали кутиб олдик, — деди Абдурасул Абдуғаниевич. — Шаҳримизга 260 киши ташриф буюрди. Кеча эрталаб уларни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Шоабдурахимов қабул қилди. Учрашувда, шунингдек, шаҳар партия комитетининг котиби К. Расулов, Ўзбекистон ССР маданият министрининг ўринбосари Т. Шамсиев, министр ўринбосари, Тошкент шаҳар маданият Бош бошқармасининг бошлиғи С. Алимхўжаевлар иштирок этишди.

Кейин наманганлик биродарларимиз Фрунзе район корхоналари, олий ўқув юртларида бўлдилар. Кечқурун соат ўн тўққизда эса Навоий номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида катта концерт беришди.

Концертда Камолиддин Раҳимов, шунингдек, Косонсой район Маданият уйи қошидаги «Хушнаво» ашула ва рақс халқ ансамбли, Наманган район Охунбобоев номли колхозининг «Бўстон» ансамбли, «Даврага кел, дугонажон» районлараро конкурси ғолиблари — Поп ва Косонсой командалари (қизлар) ҳамда Наманган санъат билим юрти ёш санъаткорлари чиқишлари ҳам барчага манзур бўлди. Ушбу томошанинг яна бир муҳим жиҳати, шу вилоятда ўтадиган турли анъаналарни намойиш этишга алоҳида эътибор билан қаралган. Айниқса, «Ҳосил байрами» у ерда қандай нишонланишини кўрган, шўх-шўх лапарларини эшитган одам Наманган аҳли санъатни беҳад қадрлашининг гувоҳи бўлади. Ҳар бир ернинг ўзига хос анъанаси маданиятимизнинг бебаҳо бойлиги, уни асраб-авайлашимиз даркор.

Кун бўйи театр биносида Наманганда ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари билан савдо қилинди. Ўтган куни Мукимий номидаги театрда Навоий номидаги Наманган мусиқали драма ва комедия театри артистлари «Бутелба дунё» саҳна асарини намойиш этишди.

Умуман ўтган ана шу уч кун меҳмонлар учун ҳам, мезбонлар учун ҳам ҳаяжонли ва эсда қоладиган учрашувларга бой бўлди.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ
суҳбатлашди.

Футбол

БИРИНЧИ ҒАЛАБА

⊙ Кеча мамлакатимизнинг ўн шаҳрида футбол бўйича биринчи лига командалари ўртасида 3-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Тошкентда «Пахтакор» командаси Молдавиянинг «Нистру» спортчиларини қабул қилиб 3:0 ҳисобида ғалабага эришди. Тўпларни иккинчи бўлимда И. Шкvirин (иккита) ва Х. Оганесянлар киритишди. Энди ҳамшаҳарларимиз навбатдаги учрашувни яна Тошкентда Запорожьенинг «Металлург» футболчилари билан ўтказишади. Бу команда кеча Олмаотада «Қайрат» спортчилари билан учрашиб, майдон эгаларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Колган учрашувлар қуйидаги натижаларда тугади. «Ростсельмаш» — «Локомотив» (Г) —2:0, «Динамо» (Сб) — «Факел» — 2:1, «Кузбасс» — «Нефтчи» — 0:0, «Геолог» — «Динамо» (Сх) — 2:0, «Шинник» — «Кубань», — 3:0, «Спартак» — «Таврия» — 1:1, «Котайк» — «Тирас» — 3:0.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Аъзолик бадали тўланса кифоями?

Партияда янгиланиш бошланғич партия йиғилишларида, турли учрашувларда баҳсларнинг очилишига сабаб бўлмоқда. Буни Тошкент метрополитени бошқармасида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам кўрсатди. Ҳар доимгидек аввал ҳисобот маърузаси учун сўз берилди.

— Партия ташкилотлари ҳақиқий дунёқарашларини илгаб ололмаган, фаоллик кўрсата олмаган жойда ютқазади, — дейди бошқарма партия ташкилотининг котиби Ғолибжон Тўлаганович Соатов ҳисобот маърузасида. — Бундай ён босишлар партияни кучсизлантириш ва унинг сафларини тарқатиб юборишга ҳаракат қилаётган кучларга ёрдам беради. Сўнгги пайтларда содир бўлган воқеа ва ҳодисалар коммунистларга ўз вақтида зарур тадбирларни амалга ошириш кераклигини кўрсатади. Бу кўплаб коммунист раҳбарларга эга бўлган бизнинг ташкилотимизга ҳам тўғридан-тўғри тааллуқлидир.

Коммунистларимизнинг метрополитен оммавий-сиёсий ҳаётидаги ўрни қандай бўлаяпти? Бугун бу саволга ҳам бирор аниқлик киритиб кетсак яхши бўларди, деб ўйлайман. Уларнинг маънавий-сиёсий онгини юксалтириш шаклларидан бири лекция, машғулот каби усуллардир. Сиёсий машғулот ҳақида гапирилди. иқтисодий ўқув хусусида анчагина ижобий силжишлар бор. Лекин лекция уюштириш... Бу ҳаммасидан қийин. Ўтган йилгини таҳлил қилиб ўтирмайман. Жорий йилнинг ўзида тўрт маротаба қизиқарли мавзуларда лекциялар уюштирилди. Ўртоқларнинг унда қатнашиши ниҳоятда пастлиги ташвишлантирарди. Мана шу тўрт лекцияда ҳаммаси бўлиб 30—35 кишигина иштирок этганини қандай изоҳлаш мумкин?

Биз котиб нутқини тўлалигича келтириб ўтирмай, йиғилишда сўз олган кишиларнинг сўзларига эътиборни қаратдик.

— 1941 йил жанггоҳлар орасида партия сафига қабул қилиндим, — дея гап бошлайди биринчи бўлиб сўзга чиққан механатни муҳофаза қилиш инженери Ф. Ф. Карпачев. — Коммунист бўлишни хоҳлайсанми, дейишганди ўшанда. Ўйлаб ўтирмай, ҳа демаганман. Йўқ, ўйлаганман. Коммунистлар тасаввуримча бошқача бир алоҳида инсонлар эди. Оғир яраланиб фронтдан ҳам қайтдим. Соғайиб иш жабҳасига тушиб кетдим-у, аммо охирги пайтларда қалбим жароҳатлангандек сезаяпман.

Ўйлаётган нарсаларим мени қаттиқ ташвишга солади. Яъни яшашимизга ва ишлашимизга нима халақит бераяпти? Улардан қандай қутулиш мумкин?

Пенсиядаги кекса коммунистлардан аъзолиқ бадалини олмаслик масаласи бир неча бор йиғилишга қўйилган. Натижа йўқ. Пенсионерга хабар қилишади: тез етиб келинг бадал тўлаш вақти бўлди, деб. Умуман, шу бадални 2,5—3 эмас 1 фоиз атрофида йиғса бўлмасмикан? Нима партия бадал йиғиш учун тузилганми?

— Нотиқнинг йиғилиш бюро аъзолигига фақат икки кишини сайлабдими, деган гапи менга маъқул бўлди, — дейди метрополитен техника бўлими бошлиғи. Э. М. Имомназаров. — Ҳақиқатда мен ҳам котиб ва унинг ўринбосаридан ташқари бирор кишининг ташкилот учун жон куйдирганини кўрмадим. Бу қанча айтилмасин, доим ҳамма ишга котиб ва ўринбосар жон куйдиради. Ҳамма ўз ишини масъулият билан бажарса партия ташкилотимизнинг иши фақат жадаллашган бўларди.

Йўл хавфсизлиги ревизори Исломбек Исмоилович Одилбеков партбюро бундан кейин ҳам мафкуравий ишни биринчи планга қўйишини таъкидлади.

— Эндиликда бошланғич ташкилотларга кўпроқ мустақиллик берилаяпти, — дейди у, — менимча ўрта звено, яъни райкомларни олиб ташлашни таклиф қилиб киритардим. Бошланғич партия ташкилотлари тўғридан тўғри шаҳар партия комитетига бўйсунаверсин. Бу ўз навбатида демократик централизм принципидан келиб чиққан ҳолда қуйи ташкилотлар олдида ҳам ҳисобот бериб туришга имкон беради. Охирги қайта қуриш йилларида ҳам афсуски юқори ташкилот раҳбарларидан бирортасини партия мажлисларимизда қатнашганларини эслай олмайман.

— Бунинг учун партия йиғилишини кўпроқ ўтказиб туриш керак, — дея қўшимча қилди метрополитен бош инженери А. К. Кривохижинов. — Бу биринчи навбатда коммунистлар фаоллигини оширишда роль ўйнайди. Яна сафимизнинг жипслашуви муносиб номзодлар билан тўлдириб боришимизга ҳам боғлиқ. Ҳисобот даврида бор-йўғи бир кишини партияга қабул қилибмиз. Бу ахир жуда оз-ку, демак резервлар масаласида жиддий ўйлашимиз керак.

— Эндиликда кўп нарсаларни ҳал қилиш эркинлиги биз бошланғич партия ташкилотларига берилган, — дейди метрополитен бошқармасининг бошлиғи А. Ж. Миржалилов. — Иқтисодиётимиздаги оғриқ нуқталар, муаммолар хусусида кўп гапираяпмиз. Лекин ҳаммаси сўзлигича қолаяпти. Бу ерда партия XXVIII съездига Дастур лойиҳаси ҳақида гапирилди. Партиянинг тақдири бошланғич ташкилотлар қўлида экан, келинглар ўзимизнинг пухта, аниқ таклифларимиз билан уни тўлдирайлик...

Йиғилишда яна коммунистлардан бошқарма инженери Б. К. Комилов, ҳисоблаш ахборот марказининг инженери Б. П. Фоминихлар сўзга чиқиб бошланғич партия ташкилоти иши юзасидан мулоҳазалари, танқид ва таклифларини ошкора ўртоқлашдилар. Муҳими, ҳар бир ишда фаолликни ошириш, лоқайдлик ва бепарволик каби ярамас иллатларга чек қўйиш вақти келгани алоҳида таъкидланди. Фикрлар жамланиб, муҳокама асосида йиғилиш қарори ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. 41 кишини ўзида бирлаштирган мазкур жамоа аҳли партия ташкилотимизнинг қисқа давр мобайнидаги ишини қониқарли деб топди. Ва ўз котибларини вазифасида яна қолдириш зарур деган қарорга келди.

Ф. ҲУСАНОВА.

ҲАМКАСБЛАРГА ТЕНГЛАШИБ

АЙНИ кунларда Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех ва бўлимлари қатори, бизнинг 94-цех механат жамоаси ҳам яқинлашиб келаётган шонли санани муносиб кутиб олишга тараддуд кўришяпти. В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигини механат туҳфалари билан кутиб олиш ҳар бир ишчининг шарафли мақсадидир.

Ишчилардан Р. Эсонов, А. Гейнрих, Р. Абдураширов, М. Ҳамидов, слесарь-йиғувчилардан З. Гараев, Т. Шевченко ва Х. Клар сингари илғорлар виждонан механат қилиб, умумий ишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда жонбозлик кўрсатяптилар.

Комсомол аъзоси, байналмилалчи-жангчи Маҳмуджон Ҳамидов чарчаш нималигини билмайдиган ёшлардан. У 8-синфни тугатиб, махсус ҳунар-техника билим юртига ўқишга кирган ва у ерда ғишт терувчилик касбини эгаллаган. Дастлаб қурилишда танлаган касби бўйича ишлади, кейин ҳарбий хизматни ўтади. Тошкентга қайтганидан кейин эса бирлашмамизга ишга келди. 94-цехдаги моҳир уста Александр Гейнрих ёш сабоқларини беряпти. Маҳмуджон айни пайтда рақамли йўналишга эга бўлган дастгоҳларни бошқаради. Шогирдларига шу техника сир-асрорларини мукаммал ўргатишга ҳаракат қилади. Дастлабки пайтда касб сабоқларини ундан ўргана олиш ҳар бир ишчининг шарафли мақсадидир.

Ишчилардан Р. Эсонов, А. Гейнрих, Р. Абдураширов, М. Ҳамидов, слесарь-йиғувчилардан З. Гараев, Т. Шевченко ва Х. Клар сингари илғорлар виждонан механат қилиб, умумий ишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда жонбозлик кўрсатяптилар.

Комсомол аъзоси, байналмилалчи-жангчи Маҳмуджон Ҳамидов чарчаш нималигини билмайдиган ёшлардан. У 8-синфни тугатиб, махсус ҳунар-техника билим юртига ўқишга кирган ва у ишчини шогирдликка олди. Маҳмуджон ўзининг тиришқоқлиги, уддабуронлиги туфайли қисқа фурсатда мустақил фаолиятини бошлаб юборди. У ишлаб чиқараётган қисмлар техника назоратидан нуқсонсиз ўтяпти. Собиқ шогирднинг ўзи бугун янги келганларга касб сабоқларини беряпти. Маҳмуджон айни пайтда рақамли йўналишга эга бўлган дастгоҳларни бошқаради. Шогирдларига шу техника сир-асрорларини мукаммал ўргатишга ҳаракат қилади. Дастлабки пайтда касб сабоқларини ундан ўрганган Абдуназар Бозоров устозидан миннатдор.

Маҳмуджон 1988 йилда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент политехника институти самолётсозлик факультетига (кечки бўлимига) ўқишга кириб, ҳозир иккинчи курсда ўқияпти. Олий ўқув юртида олинаётган назарий билимлар ишлаб чиқариш жараёнларида ниҳоятда қўл келяпти.

Пешқадам ишчи смена топшириқларини 125—130 фоизга бажариб келмоқда. Ёш ишчи байналмилал жамоада механат қилади. Бу ерда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил, ҳамжиҳатлик билан ишлашмоқда. Озарбайжон, украин, рус, татар, немис, корейс, тожик, ўзбек миллатларига мансуб бўлган ишчилар бир-бирларининг қалбига йўл топишган. Маҳмуджон шу жиҳатдан ўз механат жамоаси билан фахрланади.

У пешқадам ҳамкасблари сингари механат ва технологик интизомга қатъий риоя қилади. Тежамкорлик эса ҳар доим унинг диққат марказида.

Ҳ. ХЎЖАЕВ,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг техника назоратчиси.

МАДАДКОР ВА ҲАМКОР

⊙ ТОШКЕНТДА фаолият кўрсата бошлаган янги тижорат банки— «Осиё-Банк» корхоналар, бирлашмалар, қўшма-корхоналар (ўзаро ҳамкор) халқаро бирлашмаларга, шунингдек ёшлар марказлари пудрат ташкилотлари, якка тартибда механат қилувчи шахсларни халқ истеъмоли моллари, маҳаллий хом ашёлардан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва аҳолига хизмат турларини кенгайтиришга қаратилган фаолиятларни маблағ билан таъминлайди. Банк хизматидан фойдаланиш учун пойтахтдан бўлиши шарт эмас, ҳатто СССР давлат чегарасида жойлашган ташкилотлар, корхоналарни ҳам совет ва чет эл пуллари билан таъминлаш имкониятига эга.

БУГУН банк жамоаси янги бир хизмат турини тавсия этди. Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар, хўжаликлар, пудратчиларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, етиштирилган хосилни сақлаш, қайта ишлаш, нес-нобудсиз сотишга қаратилган хўжалик фаолиятларида Банк биринчи навбатда ўз маблағлари билан кўмак беради.

Д. ОБЛАЕВ.



⊙ ПАРМАЛОВЧИ. Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси Вера Кононова. Т. Каримов сурати.

МУНОСИБЛАР САЙЛАНДИ

Яқинда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда партия комитетининг котиби Н. М. Михайленко ҳисобот маърузаси қилди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда 7-цех партия ташкилотининг котиби У. Шербоев, 3-цех устаси С. Маҳкамбоев, 5-цех партия ташкилотининг котиби Ю. Моор, партия ветерани Н. Лавочник, корхона бошқаруви партия ташкилотининг котиби С. Ерохин иштирок этишди.

Анжуман қатнашчилари район, шаҳар ва область конференцияларига делегатлар сайлади. Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ҳамда КПСС XXVIII съездига делегатликка номзодлар тавсия этилди.

Бирлашма партия комитетининг ташкилий йиғилишида Н. М. Михайленко корхона партия комитети котиби, Ғ. Жуманов партком котибининг ўринбосари этиб сайландилар.

Конференция ишида Тошкент область партия комитетининг котиби Ш. Н. Маҳмудова қатнашди.

П. НИШОНОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.



ЎПКАСИНИ ҚЎЛТИҚЛАГАН ҲАЙДОВЧИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

ЛОНДОН. «Ҳайдовчи, масофани сақла». Ҳар бир автомобилчига маълум бўлган ва йўл ҳаракати иштирокчиларини турли кўнгилсизликлардан сақловчи бу даъватни бу ерлик ўпкасини қўлтиқлаган мотоциклчилар, афсуски, менсимайди. Англия шаҳарларининг жин кўчаларида ва транспорт қалашиб кетган катта йўлларида улар олдинда кетаётган автомобилга «ёпишиб олиб» авариядан сабаб бўладиган вазиятни вужудга келтирмоқдалар. Зарур масофани сақлашга эътибор бермайдиган мотоциклчиларнинг айби билан мамлакатда ҳар йили қарийб 2000 та авария юз бермоқда.

Бундай мотоциклчилар билан қандай курашиш мумкин? Бу ерда Британия транспорт ва йўл тадқиқотлари лабораторияси олти ой мобайнида олиб борадиган тажрибага катта умид боғлашмоқда. Катта тезликда юриладиган йўлнинг лисестер яқинидаги қисмида ҳар бирининг оралиғи ўн метр бўлган махсус кўндаланг чизиқлар тортилади. Ҳайдовчилар олдинда кетаётган транспорт воситасигача бўлган масофа камида йигирма метр орқада ҳаракат қилишлари лозим.

Ўпкасини қўлтиқлаган ҳайдовчиларга қарши курашнинг бундай усулини биринчи бўлиб французлар таклиф қилишди. Етти йил муқаддам улар янгича йўл чизиқларини жорий эта бошладилар ва у умидни тўла оқлади.

ГФРДА АВТОМАТ ОРБИТАЛ ЛАБОРАТОРИЯ ЯРАТИЛМОҚДА

БОНН. Автомат орбитал лабораторияни яратишга доир Ғарбий Германия лойиҳасини амалга ошириш ишлари якунловчи паллага кирди. Европа космик агентлиги буюртмасига кўра МББ—ЭРНО мутахассислари тайёрлаган аппарат 1991 йилнинг май ойида Американинг кўп марта фойдаланиладиган «Шаттл» типидаги кемаси ёрдамида ер атрофи орбитасига чиқарилади.

Тўрт тоннали космик платформа 300 километр баландликда учирувчи ракетадан ажралади ва ўзининг мотор қурилмалари ёрдамида мўлжалдаги 500 километрли орбитага чиқади. Барча мураккаб техник операциялар аппарат компьютери командаси билан амалга оширилади. Компьютерга станцияда илмий тадқиқот ишларини бошқариш вазифаси, барча системаларнинг пухта ишлашини ва энергияга эҳтиёжини таъминлаш, орбитада ҳаракат қилиш вазифалари ҳам юкланган.

Станция ичида медицина препаратларини олиш ва биология тадқиқотларини ўтказиш микрогравитация шароитида хилма-хил экспериментларни амалга ошириш мумкин. Топширилган программа бажарилганидан сўнг лаборатория «Шаттл» ёрдамида ерга қайтади. АҚШдан эса у океан орқали ГФРга авиалайнерда учиб келади. Бу ерда олимлар космик ташриф натижаларини ўрганишга киришадилар.

Космик платформанинг биринчи парвозида Европа космик агентлигига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳашаротлари ҳам бўлади.

ЛЎЛИЛАРНИНГ ЖАҲОН КОНГРЕССИ

ВАРШАВА. Бу ерда ўз ишини тугатган лўлиларнинг IV жаҳон конгресси қатнашчилари БМТга ва жаҳон мамлакатлари ҳукуматларига мурожаат қилиб, бутун дунёга тарқалиб кетган лўли халқига унинг ҳуқуқлари учун курашда ёрдам беришга чақирди. Конгресс ишида 25 делегация, шу жумладан СССРдан борган педагогика фанлари доктори, профессор Г. Деметр бошлиқ гоят катта делегация қатнашди.

Анжуман ўтказилган жойда деярли бир ҳафта давомида яқин вақтгача кўчманчи ҳисобланган бу халқнинг ҳаётини ва эркинликнинг рамзи бўлган яшил-мовий далада аравасининг қизил ғилдираги тасвирланган анъанавий байроғи ҳилпираб турди.

Европа, Осиё ва Америкадаги этник камчиликни ташкил этувчи лўлилар орасида ҳамма учун тушунарли бўлган ягона адабий тилни яратиш ва маданий инқилобни амалга ошириш каби муҳим вазифа билан бир қаторда биз ўз олдимизга лўлилар яшайдиган мамлакатларда бир хил ҳуқуқий мақомга ва ижтимоий-иқтисодий шароитга эришишни мақсад қилиб қўйдик, деди лўлилар жаҳон кенгашининг янги сайланган президенти Райко Журич.

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

⊙ Ҳозирги пайтда шаҳар йўловчилар транспортининг қулай воситаларидан бири маршрутли таксилар бўлиб қолди. Бугун Тошкент кўчаларида 37 та йўналишдаги 212 та микроавтобуслар қатнаяпти. Улар 63 мингдан ортиқ йўловчиларнинг манзилини яқин қилмоқда.

Сўнгги пайтларда йўловчилар эҳтиёжини янада қондириш, транспортнинг иш унумини ошириш юзасидан кўпчилик аҳоли ва 2-маршрутли такси автокорхонаси томонидан айрим таклифлар кўрсатилмоқда. Шу муносабат билан шаҳар барча турдаги пассажир транспортлари ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси газетхонлар эътиборига баъзи маршрутли таксиларнинг йўналишларини ўзгартириш ҳақидаги таклифларни ҳавола қилади.

Вокзал олди майдонида бугун таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Шу туфайли 2-маршрут таксида йўловчилар оқими ниҳоятда кам. Майдон очилгунга қадар шу йўналишни вақтинча ёпиш таклиф этилади. 9-маршрутли таксида эса аксинча йўловчилар оқими юқори даражада. Уларнинг аксариятини ТошДУ талабалари ташкил этади. Бу йўналишдан янада самарароқ фойдаланиш ниятида мазкур маршрутни ТошДУ билан «Пахтакор» метро станция оралиғида ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

18-маршрутли таксининг йўлини қисқартириб, метронинг «Чилонзор» станцияси билан «Сергели» савдо маркази оралиғидаги ҳаракатни таъминлаш, «Високовольт» ва «Корасув» мавзеларни аҳолисига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида 3-маршрутли таксининг сўнгги бекатини метронинг «Ташсельмаш» станциясидан «Корасув» мавзесига кўчириб, Луначарский кўчаси ва метронинг М. Горький станцияси орқали унинг ҳаракатини таъминлаш.

Маълумки, шаҳримизда кунининг турли вақтларида йўловчилар оқими ҳар хил бўлади. Баъзи ҳолларда транспорт ёқилғини бекорга сарфлаб, ҳаракат қилишга мажбур бўлади. Бу эса моддий жиҳатдан катта зарар етказяпти. Йўловчилар оқимининг йўқлиги сабабли 23-маршрутли таксининг ишини эрталаб соат 7.00 дан 10.00 гача ва кеч соат 16.00 дан 20.00 гача ташкил этиш ҳақида фикрларингизни маълум қилсангиз.

Шаҳристон кўчаси бўйлаб истиқомат қилувчи аҳолига ва 3-шаҳар касалхонасига келувчиларга яқинда қулайлик яратиш мақсадида 27-маршрутнинг ҳаракатини «Олой» бозоридан Калинин майдонигача узайтириш.

«Қўшқўрғон» маҳалласи аҳолисининг бозорга ва бошқа жойларга боришини осонлаштириш учун 30-маршрутли такси ҳаракатини «Қўшқўрғон» ва Қўйлиқ бозори оралиғида ташкил этиш ҳақида ҳам таклиф киритилган.

Ҳаракат қатновини кўпайтириш мақсадида 33-маршрут таксиси йўналишини қисқартириб, «Бирлик» ва Жанубий вокзал оралиғида ташкил этиб, мазкур транспортдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мумкин. Йўловчилар оқимининг йўқлиги сабабли 5-маршрутли таксини ёпиш ҳам кўзда тутилган.

В. МАДИМАРОВА.

Ҳаракат йўналишлари ва юқоридаги ўзгаришлар юзасидан таклиф ва мулоҳазаларингизни 25 апрелгача шаҳар барча турдаги пассажир транспортлари ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармасига йўллашингиз мумкин. Ўз фикрларингизни, шунингдек 34-82-89 ва 34-82-87 телефонлари орқали билдиришингиз ҳам мумкин.

Иш билан бандлик

ҲАЛОЛ ПУЛ ИШЛАШ ЁМОНМИ?

«ЧОРСУ» меҳмонхонасидан Талабалар шаҳарчаси томон бироз юргач, қизиқ манзаранинг гувоҳи бўласиз. Трамвай бекати олдига бир талай одамлар йиғилиб олишган. Бирор киши яқинлашса ҳамма унга талпиниб, оғзини пойлайди. Тўпланганлар орасида ҳар хил ёшдаги кишиларни учратасиз, лекин аксарияти ёшлар. Булар» — халқимиз тили билан айтганда мардикорлар, яъни вақтинча ёки кундалик ёлланиб ишловчи кишилар. Бу ҳақда «Оқшом» рўзномасининг шу йил 12 апрель сонида ҳам ёзилди...

Бизнинг жамиятда мардикор бозори бўлиши учун ижтимоий-иқтисодий негиз йўқ, деб ҳисобланарди. Аммо норасмий бўлса ҳам бундай бозор ҳамда ёлланма ишчиларнинг борлигини тан олиш пайти келди. Турмуш қанчалик фаровон бўлмасин ҳаётдаги етишмовчиликлар туфайли баъзилар йилдан-йилга мардикор бозорига келиб, ёлланиб ишлаган Қодир ака. — Ўзим қурилишда ойига 250 сўмга яқин маош оламан. Оилада 7 фарзандим бор. Тўнғич қизимнинг бўйи етган. Биласиз, тўй қилишнинг ўзи бўлмайди.

Мен хизмат юзасидан бир неча бор мардикор бозорида бўлганман. Бу ерда тирикчилик важидан ёлланма ишда ишлашга мажбур бўлган кишилар, шунингдек жиноят қилиш оқибатида қидирувда бўлганлар, яшаш ва иш жойининг тайини йўқ шахслар, яъни дайдиларни ҳам учратиш мумкин. Миллиция ходимлари кейинги тоифадаги кишиларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни қўллашганда баъзан халқимизнинг норозилигига дуч келишади. Сабаби, Иттифоқимиз, шу жумладан жумҳуриятимизда ишсизлар мавжудлиги тан олинди. Шундай экан, энди иш услубини ўзгартириш талаб этилади. Масалан, вақтинча ишлашга мажбур қилаяпти, — деди қўшнимизникига келиб, ёлланиб ишлаган Қодир ака. — Ўзим қурилишда ойига 250 сўмга яқин маош оламан. Оилада 7 фарзандим бор. Тўнғич қизимнинг бўйи етган. Биласиз, тўй қилишнинг ўзи бўлмайди.

Юқоридаги мушоҳадалар ўртача 25-50 сўмдан «маош» тўланади. Бирор мутахассислик эгалари эса ишига қараб яхшигина ҳақ олишяпти. Масалан, уста бир кунда 3 минг ғишт терса, 150 сўм топди, дегани. Лекин бу ҳаммага насиб этавермайди. Турмуш тақозоси билан бу ерга келиб қолган талабалар кўпам баҳслашавермайдилар. Улар учун энг кераклиси, бўш вақтдан фойдаланиб, бироз бўлса-да, кундалик рўзғор учун пул жамғариш.

Турмушдаги етишмовчиликлар туфайли баъзилар мардикор бозорига келган ёки ёлланма ишда ишлашга мажбур қилаётган кимсалар борлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Юқоридаги мушоҳадалар орасида айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Кейинги пайтда ошкоралик туфайли жамиятимизда механат қилиш ҳуқуқи афсонага айланди. 1930 йилдаёқ мамлакатимизда ишсизлик тугатилди, деб мардикор бозорларини ёпиш ҳақида Декрет эълон қилинганди. Мана, орадан олтмиш йил ўтгач олимнинг айтишича у ерда болалар ўн-ўн икки яшарлигиданоқ пул билан муомала қилишар экан, яъни бўш пайтларида енгил ишларда машғул бўларканлар. Бизда-чи? Минглаб талабалар, шунингдек мактаб ўқувчилари дарсдан кейин нима билан шуғулланишни билишмайди. Ахир ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсиб боришига шу ҳам сабаб эмасми? Агар ёлланма ишда ишлашга имконияти бўлган кишилар рўйхатдан ўтказилиб, улар учун махсус жой ажратиб берилса, кўп муаммолар ҳал бўларди. Айниқса ҳозир иш билан бандлик юзасидан аҳоли рўйхатга олинаётган бир пайтда бу муҳимдир.

Мана, мардикор бозорига яқин жойда турибман. Дам олиш куни ва ҳаво очиқ бўлгани учун тўпланганларнинг саноғига етиб бўлмайди. Шу пайт Талабалар шаҳарчаси томондан келаётган милиция машинаси «Пахта» бекатига яқин ерда тўхтади. Буни кўрган одамлар ҳар томонга тарқай бошлашди. Меҳнат қилишга жазм қилганлар ниятига етолмай ҳадиксираб боришарди...

Р. ШОДИЕВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Суратли айбнома

«НОГИРОН» СОЯБОНЛАР

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ишидаги сусткашликлардан гап очиб қолсангиз кўпчилик ҳамшаҳарларимизнинг ҳасратидан чанг чиқади.

— Кошки эди, аҳвол ўзгарса, — дейишади улар. Аҳволи ўзгармайдиган касалликка фақат автотранспорт ташкилотлари эмас, бекатлар ҳам чалинган. Уларнинг майиб, мажруҳ бекатларга айланиб қолишида яна ўша масъулиятсизлик, яна ўша эътиборсизлик сабабчи. Октябрь районидаги Усмон Юсупов кўчасининг «Известия» бекатининг ўнгланишига йўловчилар йиллаб умид қилишмоқда. Негаки сиз суратларда кўриб турганингиздек бекат соябон қаровсиз аҳволда. Уни қурган ташкилот ишини чала ташлаб кетган. Шунинг учун ҳам эгизак соябонлар кўчанинг икки томонида одам дилига ғашлик солмоқда. Шу ердаги трамвай тўхташ жойига тўсиқлар қўйилмаганидан йўловчиларнинг кўпинча ҳаёти хавф остида қолаяпти. Тўсиқсиз бекатларнинг йўл транспорт ҳодисасини келтириб чиқармаслиги мумкин эмас. Шундай экан, хавфсизликни таъминлашга бепарво муносабатда бўлишга йўл қўймаслик зарур.

Қорасарой кўчасидаги «Қорасарой» бекатида кўплаб жамоат транспортлари тўхтаб ўтади. Бекат ёнида кичик бетон ариқ бор. Йўловчилар очиқ ҳавода, дарахтлар панасида автобус кутиб вақтини ўтказишмоқда. Транспортга чиқиш учун бетон ариқни ҳатлаб ўтишаяпти. Бунинг ўрнига ариқнинг устини ёпиб, тепасига соябон қурган маъқул эмасмн! Ун йил ўнгланмаган бекатни иккинчи ўн йиллик юбилейнни шундай аҳволда нишонлашни наҳотки раҳбарлар хоҳлашаётган бўлишса.

Ҳамза кўчаси бўйлаб Эски шаҳар томонга келаверишда «Хастимон» бекати бор. У доимо йўловчилар билан гавжум бўлади. Аммо соябон томи икки йилдан бери очиқ. Унинг бир четида уч-тўрт дона шифердан бошқа нарсани кўрмайсиз. Бекат соябонларига бундай ўгай муносабатни шаҳримизнинг бошқа жойларида ҳам кузатиш мумкин. Шифокорлар шаҳарчасидаги сўнгги бекатга ҳам кўз тегди. Унинг қурилганига кўп бўлгани йўқ. Аммо замонавий катта соябонга эга бўлган бекатга йўловчилар ташриф буюришмаяпти. Аввалги соябонли бекатдан фойдаланишмоқда. Вақт ўтгани сайин бўёғи ўчиб бораётган янги бекатни кимлардир вақти-вақти билан бўёқдан чиқариб туришибди. Бу аҳволда давлат маблағини ҳавога совуришдан ким наф кўраркин!

М. ҲАКИМОВ.

СУРАТЛАРДА: У. Юсупов кўчасидаги «Известия» бекатининг аҳволи шундай аянчли ҳолда, «Қорасарой» бекатига келган автобусга йўловчилар шу тарзда чиқишади.

Муаллиф суратлари.







«Кексаларимиз—сафда» танловига

МАТОНАТЛИ КИШИЛАР

Шингил лавҳалар

⊙ Урушда бўлган кишилар билан суҳбатлашиб қолсангиз разведкачилар ҳақида тўлқинланиб гапиришади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ўрмонга яшириниб олган бу жасур кишилар қўққисдан ҳужум уюштириб, фашистларнинг таъзирини беришарди. Уларнинг қаҳрамонлиги туфайли қанчадан қанча ўқ-дори ортилган ҳарбий эшелонлар белгиланган манзилга етиб боролмаган. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган икки отахоннинг қисмати бир хил: исмлари Раҳимжон, урушда разведкачилик қилишган, ҳозирги кунда эса Собир Раҳимов районида истиқомат қилишаяпти.





1942 ЙИЛ. Урушга кўнгилли бўлиб кетган Раҳимжон Каримов дастлаб Москва яқинидаги 1326-миномётчи ва артеллериячилар полкида ташкил этилган курсда таълим олди. Биринчи жангга Ленинград остонасида кирди. Унинг душман билан олишувдаги мардлигини кўрган командирлар разведкага ҳам юбора бошладилар.

— Бир куни Пушкин шаҳри яқинига жойлашиб олган немисларнинг ўқ-дори омборини аниқлаш учун бордик, — эслайди Раҳим ака. — Тун. Теварак-атроф қор билан қопланган. Совуқ изиллаб турибди. Сапёрлар йўлни миналардан тозалаб, белги қўйиб боришаяпти. 4 кун деганда манзилга етиб келдик. Душман истеҳкоми ён томондан яққол кўриниб турарди. Қоровулликда турган фашистлар бизни сезиб қолишди шекилли бирдан пулемётлар «сайраб» кетди. Кўп жангчиларимиз ҳалок бўлишди. Аммо бериган топшириқ бажарилди.

Душманнинг асосий ўт очиш нуқтасини билиб келишда қатнашган ефрейтор Раҳим Каримов бир неча жангчилар қатори СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига кўра «Ленинград мудофааси учун» медали билан тақдирланди. Шундан сўнг жасур разведкачи Белоруссия фронти бўйлаб ҳаракатланаётган жангчилар сафида Псков, Эльба, Тчев, Нарва, Тарту ва бошқа шаҳарларни фашистлардан тозалашда қатнашди. Берлингача бўлган оловли йўлларни босиб ўтган. Р. Каримов ҳозирги пайтда Абдулла Қодирий маҳалласида яшайди.

✦

ОДДИЙ аскар Ражабов!

— Эшитаман, ўртоқ катта лейтенант, — бўйнига автомат осиб олган гавдали йигит жангчилар сафидан ажралиб чиқиб, сипоҳнинг олдига келди.

— Ражабов, сизга муҳим топшириқ бор, — деди катта лейтенант Ворполомеев. Раҳимжоннинг эътиборини олисда кўриниб турган тепаликка жалб қилар экан. — Чекинаётган фашистлардан бир нечтаси темир йўл ўтган ер ости йўлига яшириниб олгани ҳақида маълумот олдик. Шуни аниқлаб келишингиз керак.

— Тушунарли ўртоқ командир!—Раҳимжон ғоз туриб ортига бурилди-да, автоматини қўлига олиб, тепалик томонга югуриб кетди.

Ер ости йўли қоронғи, ҳеч нарсани кўриб бўлмас эди. «Қандай ҳийла ишлатсам экан, — ўйларди у ичкарига аста-секин одимлаб кираркан, — душман пусиб, кузатиб турган бўлса ҳали-замон ўт очиб қолиши мумкин. Ҳар дақиқа ғанимат».

Шу пайт Раҳимжоннинг хаёлига бир фикр келиб қолди. У бир неча дона тош олди-да, олдинга қараб ирғитди. Шунда саросимага тушиб қолган душман палапартиш ўқ узиб, ўзини сездириб қўйди. Ёруғликка қочиб чиққан уч фашистни Раҳимжон бир зумда ер тишлатди.

Улуғ Ватан урушининг энг қизғин дамларида Симферополь остонасида содир бўлган бу воқеа тошкентлик ўғлон ҳаётидан бир лавҳа холос. Раҳимжон Ражабов Қизил Байроқли 279-Лисчан дивизиясининг 1005-полкида хизмат қилиб, Донбассдан Қримгача борди. Мардлиги учун «Қизил Юлдуз» ордени ва бир қанча медаллар билан тақдирланган.

— 13 ёшимда отадан етим қолдим,—деди Раҳимжон ака биз билан суҳбатда.—Онамга ёрдам бериш мақсадида «Ўзбекфильм» киностудиясига келиб, майда-чуйда юмушларни бажариб юрдим. Кейинчалик режиссёр Наби Ғаниев оммавий саҳналар ва кичик ролларга таклиф қилди...

Раҳимжон ака урушдан қайтиб келгач, Октябрь, Куйбишев ва Ленин район ички ишлар бўлимларида, шунингдек Ўрта Осиё темир йўл бошқармасида ишлади. А. Набиев кўчасида истиқомат қилаётган Раҳимжон ака ҳозир эса кексалик гаштини сураяпти.

Ш. САЪДУЛЛАЕВ, Х. НОСИРОВ, А. ТОЛИПОВ.

⊙ СУРАТЛАРДА: Раҳимжон ота Каримов; Раҳимжон ота Ражабов (ўртада) бир гуруҳ уруш иштирокчилари даврасида.

«Сен тириксан, ўғлим...»

(Қатра)

СОЧЛАРИ қордек оппоқ, мунис Хайри момо ўғлини соғинганда «Ғалаба» хиёбонига келиб туради. Киприкларига инаётган ёшларни аста рўмолининг учи билан артар экан, мармар тошга битилган исмларни ўқий бошлайди.

«Ҳакимжон Ризаев». Ўғлим... Онанинг кўз олдига одатдагидек гавжум вокзал, саф тортган йигитлар келади. Ана, жўнаб кетаётган эшелоннинг сўнгги вагонида, деразадан бошини чиқариб олган Ҳакимжон қўл силкияпти. Она энтикади, юрагининг бир парчасини олиб кетаётган ўғлига омонлик тилайди.

Хайри момо шуларни эслар экан, ёдгорлик пойида ҳид таратиб турган гулларга разм солди. Янги узиб келтирилган гуллар. Одамлар ўғлини йўқлашаяпти, ёдга олишаяпти. У. ўлмаган, тирик, мангу тирик. Ички бир туйғу таъсиридан момонинг кўз ёшлари киприкларига қоришиб кетди.

Кўзининг оқу қароси, ёлғизи Ҳакимжон туғри заводдан кўнгиллилар сафида фронтга кетган эди. Мана, орадан ярим аср вақт ўтди. Шундан бери момо фарзандини кўмсайди, ҳамон тунларни уйқусиз ўтказади. Ҳакимжон жўнаб кетаётганда илгакка илиб қолдирган темир андава муқаддас ёдгорликдек сақланаяпти. Уни ҳар кўрганда она ўғлини эслайди, юраги таскин топади.

Хайри момо ёдгорлик олдида узоқ ўтириб қолди. Кимдир қўлтиғидан авайлаб олди-да, таскин бера бошлади. Хиёбондан аста узоқлашаётган онанинг кўзи олдида ғала-ғовур кузатув жойи, эшелоннинг сўнгги вагони гавдаланарди...

Т. ЖЎРАЕВ,
Тошкент марказий телеграф-телефон станциясининг хизматчиси.

⊙ ИЙРИК истеъдодлар аслида юлдуз шодаларидай ғуж бўлиб, бир-бирларига тафаккур нурлари билан уланиб пайдо бўладилар. Асримиз бошида ўзбек маданий дунёсининг яна бир буржида ўнлаб янги юлдузлар туғилди. Улар орасида 1905 йилда Тошкент шаҳрининг Пуштиҳаммом маҳалласидаги деҳқон оиласида дунёга келган Отажон исмли йигит ҳам бор эди. Бошланғич ва икки йиллик рус-тузем мактабида ўқиган қобил бу йигит 1922 йилдан Москвада — аввал ишчилар факультетида, кейин қизил профессорлар институтида замонавий илм эгаси бўлди.

ОТАЖОН Ҳошим 21 ёшида Ўзбекистон Халқ Маорифи комиссарлиги қошидаги Илмий кенгашга раислик лавозимига лойиқ топилди. Самарқандда ташкил қилинган «Қизил қалам» адабий уюшмасига ҳам раҳбарлик қилди. Унинг таҳрири ва сўзбошиси билан «Қизил қалам»нинг иккита адабий альманахи босмадан чиқди.

Йигирма тўққиз ёшидан Ўзбекистон Фанлар Комитетининг раиси бўлиб хизмат қилган Отажон Ҳошим янги, йирик илм масканлари, ҳозирги «Фан ва турмуш» журналининг ташкил қилинишига ҳам бош-қош бўлган эди.

Қомусий билими туфайли олимнинг ўзбек тилшунослиги, тарих, фалсафа, халқ оғзаки ижоди ва таржимашуносликка оид ўнлаб йирик мақолалари чоп этилди. У айниқса, адабиётшунослик, адабий танқид соҳасида баракали ва ибратли меҳнат қилди. Классик ва жадид адабиёти. 20—

Ёдномалар

ИЛМ НУРИ

ОТАЖОН ҲОШИМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИГА

30-йиллар ўзбек шўро адабиётига чуқур илмий ёндошиш олимнинг хос хислатларидан эди. Бу фикрни унинг биргина мақоласи ҳам тўлиқ исботлайди. Ғап олимнинг 1933 йилда алоҳида китоб шаклида босилган «Ўзбек шўро адабиётининг бир неча ижодий масалалари» номли мақоласи хусусида кетяпти. Бу китобда эндигина илк тўпламлари чиққан ёш ижодкорлар, О. Ҳошимнинг тенгдошлари бўлмиш Ойбек, Ҳ. Олимжон, Уйғун, Ҳасан Пўлат, Ойдин, Ғайратий ва бошқалар ижоди атрофлича таҳлил қилинади. Олим ўзининг «жанговар» ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ, уларга соф эстетик нуқтаи назардан, ижодкор қалбини, ўсиш қийинчиликларини бошдан кечираётган мурғак истеъдодни авайлаб муносабатда бўлади. Шу билан бирга, адабий асар ва ёзувчи олдига жиддий ижодий талаблар қўяди, юзакичилик, сохталикдан огоҳ этади: «Конкрет турмушни ўрганмаслик, уни яхшилаб билмаслик натижасида ўзбек шўро адабиётида, баъзи шоир-ёзувчиларнинг асарларида ҳозирда ҳам шоирлик кўп учрайдир».

Отажон Ҳошим ўз даврининг фарзанди эди. Ҳукмрон мафкура уни ҳам айрим ўринларда озми-кўпми чалғитади, ўз эстетик қарашларига зид боришга мажбур қилади. Жумладан, жадид адабиётига бағишланган мақолаларида, юқоридаги асарида бўлса Чўлпон, Фитрат, Боту ижоди хусусида фикр юритилган ўринларда Отажон Ҳошим ўзи истамаган, дилида бўлмаган гапларни айтишга, маънавий жаҳолатни ёқлашга мажбур бўлади. Биз бу гапларни шунинг учун ҳам Отажон Ҳошим дилига ёт деяпмизки, у, ўзининг фарзанди бўлмагани туфайли 1929 йилда туғилган божасининг ўғлига ҳавас ва катта ният билан Чўлпон деб тахаллус қўйиб беради. Профессор Абдурауф Фитрат билан бўлса, кўп йиллар илмий ва ижодий ҳамкорлик қилади. Хусусан, улар турк ноширларидан илҳомланиб, узоқ ва бой тарихга эга бўлган ўзбек адабиётининг энг сара асарларини тўплаб «Ўзбек адабиёти намуналари» антологиясини биргаликда чиқаришади. Худди шу китоб туфайли кейинчалик иккаласининг ҳам қўксига санчилган адолатсиз ўққа фатво берган ғайри илмий танқидга ҳам биргаликда дучор бўлишади. Ж. Бойбулатов ўзининг жаҳолатга тўла «Ўзбек адабиётида чиғатоизм ва пантуркизм» (ОИГЗ. Москва — Тошкент, 1932 й.) деб номланган китобида уларга ақл бовар қилмайдиган айблар қўяди, минг йиллик маданий меросимизни «Ҳеч нарсага арзимас, эски-туски ахлат» деб атайди, ҳатто Навоийни истеҳзо билан «Чиғатой шоирларининг «ота»си дея масахаларди. Халқига ўз ўтмиш адабиётини танитишдек улуғ мақсадни қўзлаб меҳнат қилган икки буюк олим шу халқнинг «душманлари»га айлантирилади: «Отажон Ҳошимов... ўзбек адабиётининг янги унча-мунча эмас, нақ ўзбек пролетар адабиётининг «пойдевори» учун «чиғатой фирмаси»нинг омборларидан материал кавлаб олади. У, масалан, шахсан тасдиқлайдики, гўё чиғатой адабиёти даври «Бизнинг (?!) адабиётимиз тарихида энг гуллаган давр бўлган» эмиш...».

Афсуски, илмга, маданиятга мутлақо алоқаси йўқ бундай истеъдодсиз, фаҳмсиз кишиларнинг гап-сўзларидан бошланган, миллатнинг гулига қарши қаратилган ҳаракат борган сари газак олди. Натижа шу бўлдики, 1937 йилда Отажон Ҳошим ҳам бошқа ижодкор дўстлари қатори ҳибсга олинди, бир йилдан ортиқ даҳшатли қийноққа солинди ва 1938 йилнинг 4 октябрида Тошкентнинг ўзида отиб ташланди. Шуниси алам қиладики, бундай жазога ҳукм чиқарган суд мажлиси 5 октябрда бўлган...

Эндигина 32 баҳорни кўрган, «ўз қизиқишларининг асал ойига» (Г. В. Плеханов) қадам босган, халқи учун янада керакли ишларни қилиши тайин бўлган истеъдод бевақт хазон бўлди.

Бугун халқимизнинг чин зиёлилари, ҳақиқий жонкуярлари ижодига адолатли баҳо берар эканмиз, қомусий билим эгаси, фавқулодда истеъдодли олим Отажон Ҳошим сиймоси фанимиз ва маданиятимизнинг булутлардан тозариб бораётган осмонида янада ёрқинроқ нур сочишига умид қиламиз. Бу инсоннинг илм нури келажак авлодларнинг пок дилига ҳам зиё олиб кириши шубҳасиздир.

Р. ҚЎЧҚОРОВ.

Совет лар мамлакатида

ЛИТВА ССР. Шяуляйдаги «Вярпстас» трикотаж фабрикаси жун ва аралаш матолардан болаларнинг трикотаж кийим-кечакларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозир 28 хил бичимдаги либосларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, «шулардан ўнтаси шу йилнинг янгиликларидир. Янги бичимдаги либосларнинг муаллифлари — фабриканинг мусаввирлари ва дизайнерлари.

СУРАТДА: янги бичимдаги спорт костюми.



⊙ ДОНЕЦК. Мазкур шахтёрлар шаҳрида ташкил қилинган «Еднання» («Бирлашиш») уюшмасининг вазифаси ўлкадаги барча демократик кучларнинг қайта қуриш учун курашдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириб туришдан иборат. Тинчликни ҳимоя қилиш ва Қизил Хоч область комитетлари, Совет тинчлик фонди ва Украина маданият фондининг бўлимлари, қайта қуриш учун Украина халқ ҳаракати («РУХ») ўлка ташкилоти, немислар ва греклар жамиятлари, яҳудийларнинг «Алеф» маданий-маърифий маркази ва бошқалар унинг таъсисчилари бўлишди. Улар уюшма режалари ва у ўтказадиган тадбирларни пул билан таъминлаб турадилар. Донбассда Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 45 йиллигини нишонлаш, у ўтказадиган дастлабки тадбир бўлади.

⊙ БОКУ. «Ҳазар» комплекс илмий-техник программаси нефть-химия саноатининг Каспийга чиқариб юборилаётган оқава чиқиндиларига қарши «Қалқон» бўлади. Озарбайжон Фанлар Академияси президиумининг мажлисида қабул қилинган бу программа 2005 йилга қадар бўлган даврга мўлжалланган ва регионни бундан буён ҳам булғанишдан муҳофаза этишга қаратилган. У денгизга унинг ўзини ўзи тозалаш ва экология мувозанатини сақлаш ресурсларини тиклашда ёрдам бериши керак.



⊙ Қизиқ, мана шундай гугуртларни биронтангиз кўрганмисиз? Ваҳоланки, улар чет эллардан келтирилган эмас, ўзимизнинг Новгород областимизда ишлаб чиқарилади. Мана бу дилбар қиз Чудоводаги «Пролетар байроғи» гугурт фабрикасининг дизайнери. У ўз корхонаси маҳсулотини намойиш этяпти. Аммо унинг табассумн, азиз ўқувчилар сизларга эмас, шундоқ ҳам эркалатиб юборилган чет эллик харидорларга мўлжалланган. Ана шундай чиройли гугуртлар фабрика яппи маҳсулотининг 10—15 фоизини ташкил этади холос. Улар ҳам экспорт учун мўлжалланган.

А. Дилис ва А. Овчинников (ТАСС) суратлари.

ДЎСТЛИК

(«ОЛИС УРУШ САДОЛАРИ» ТУРКУМИДАН)

Мен — бокира тўйғу, пайваста нурман,
Мен инган юраклар қўшиқстондир.
Қалблар ummon эса, мен унда дурман,
Таърифим таърифга сиғмас достондир.
Хиёнат, ҳасаддан холиман азал,
Самимият менинг бош шиоримдир.
Одамийлик гимни — ҳар сўзим бир пайл,
Фидойилик — унвон, куч виқоримдир.
Ота-боболардан қомус меросман,
Тарихим тарихга сабоқдир мангу.
Маркс улуғлаган чўнг эҳтиросман,
Ленин улуғлаган мўъжиза ёғду!
Қўш-қўш юракларда бор муҳрим, имзом,
Илҳомим маҳсули — қўш-қўш жилд китоб.
Чанқоқ юракларга тутаман қўш жом,
Гўё Сайҳун, Жайҳун тутгандек об.
Йиллар бўронидан синовдан ўтдим,
Чунончи, тўрт йиллик жангу жадалда,
Йиқилганга сафбаст кифтимни тутдим,
Зўр келдим тиқ боққан қаттол ажалдан.
Мен сабаб бир бурда қоқ нон ўртада,
Катта зиёфатдек кўрилдим баҳам.
Мен сабаб эътиқод, имон ўртада,
Ўртада дейилди ғам ҳам, қувонч ҳам.
Мен сабаб кўксинин тоғдек ҳис қилди
Мардлик майдонига кирган ҳар жангчи.
Жўръатга чорладим, олға интилди,
Ўтли жабҳаларда турган ҳар жангчи.
Юз карра, минг карра шонга йўғрилдим
Сурур оламида турдим мардона.
Бугун ҳам постдаман, ҳушёр ва уйғоқ,
Безовта заминга таянч, ҳамрозман.
Куйим «Байналмилал» сингари янгроқ,
Мен урушга қарши жаранг овозман.
Мен шундай қалқонки, отса кимдир ўқ
Тошга теккан қумдек бешон тирқирар.
Мен шундай имконки, шиддатга тўлиқ,
Қамровим уфқда офтоб ярқирар.
Мен боркн, ушалгай эллар армонн,
Мен боркн, ушалгай диллар армонн.
Мени ардоқлаган қалбдир муҳтарам,
Унда ёруғ қисмат, толе, умид жам.
Мен олмос дўстликман —
Ҳаёт тираги...

Холдоржон ҚУРОНБОЕВ.

Моҳир мўлжалловчини танийсизми?

САТТОР Расулов Қизил Армия сафига Тошкент шаҳрининг вилоят кўчасидан чақирилган. Немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган ҳаёт-мамот жангларида 60-гвардиячи ўқчи дивизиясининг 132-гвардиячи артиллерия полки сафида қатнашди.

Дивизияда чиқиб турган «Вперед к победе» газетасининг 1943 йил 12 февраль сонида гвардиячи қизил аскар Н. Ерефеевнинг «Мўлжалловчи Саттор Расулов» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган.

«Саттор Тўлаганович Расулов гвардиячи капитан Коровин бўлинмасининг энг моҳир мўлжалловчисидир, — деб бошланади мақола. — Ўзбек халқининг содиқ фарзанди Ватан озодлиги учун фашист босқинчиларига қарши мардларча жанг қилмоқда, мўлжалловчилик вазифасини пухта эгаллаб олган. Батареяда унга тенглаша оладиганлар камчиликни ташкил этади. Моҳир мўлжалловчининг жанговар ҳисобида 20 дан зиёд гитлерчи ва бир неча ўт очиш нуқтаси яксон қилинганлиги қайд қилинган. Жасурлиги учун «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланган».

Комсомол ташкилотчиси, гвардиячи катта сержант Расулов айниқса Украинани озод қилишда жасурлик кўрсатди. Азиз тошкентликлар! Душманга қақшатқич зарба берган ҳамюртимизни танийсизми? Балки унинг қариндош-уруғлари, яқин кишилари бордир. Шу ҳақда бизга хабар беришингизни сўраймиз. Бу — ўзбек жангчиси ҳақидаги маълумотларни янада бойитишга имконият яратади.

М. САМАДОВ,
Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист.

Корхона китобида

ЎРТА Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилаётиб фронтга кетган 150 дан ортиқ киши урушдан қайтиб келмади. Улар хотирасини абадийлаштириш мақсадида 1975 йил корхонада Хотира китоби ташкил этилган эди. Қайд этилган номлар орасида Файзулла Алимов, Алексей Аллёшин, Раҳматжон Акбаров, Ориф Ғуломов ва бошқалар бор.

Бирлашмадаги «Учқун» кўп тиражли рўзномаси Хотира китобига марҳум меҳнат ветеранларининг номини ҳам киритиш таклифи билан чиқди. Агар бу ташаббус маъқулланса, Ғалабанинг 45 йиллигига ажойиб совға бўлади.

С. ШАМСИДДИНОВ.

«ЖАНУБИЙ СОҲИЛ» ЧОРЛАЙДИ

«Бизда тўла муолажа олишни таклиф қиламиз», — Адлер районида яшаётган улуғ Ватан уруши қатнашчилари «Жанубий соҳил» санаторийсидан бугун ана шундай таклифнома олдилар. Қора денгиз соҳилидаги энг замонавий курорт-шифохоналарнинг бири Ғалаба байрами арафасида жанговарларни даволаш учун қабул қилмоқда.

—Бизнинг санаторийимиз яхши даволаш ва соғломлаштиришш негизига эга,—дейди бош шифокор П. Андрюха. — Бироқ асосий ишимиз — йўлланмалар билан дам олувчиларга хизматимиз тугаганидан кейин даволаш, диагностика ва муолажа хоналари, сув ҳавзалари, сауналар ва шунга ўхшаш бошқа даволаш воситаларини бўш қолмоқда. Шундай қилиб, ана шу имкониятларни ветеранларимиз тасарруфига беришга қарор қилдик.

Шу кунлёқ дастлабки беморлар: уруш қатнашчилари Н. Абрамичева, М. Доценко, В. Кузнецов даволаш учун қабул қилиндилар. Бу ерда ҳар бир шифокор уч-тўрт нафар ветераннинг соғлиғини кузатиб боради, маслаҳатлар беради. Даволаш муддати 24 кун. Барча харажатларни санаторий ва Адлер районидаги меҳнат жамоалари ўз зиммаларига олдилар.

ГЎЗАЛЛИККА МУҲАББАТ

Сиз бу суратларда шаҳримиздаги 9-мактабнинг расм чизиш ўқитувчиси, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Ёдгор Муҳаммадхўжаева ва 1-синф ўқувчиларининг расм чизаётган пайтини кўриб турибсиз.

Ёдгор Муҳаммадхўжаева ўз ўқувчиларини дастлабки сотарданоқ гўзалликка муҳаббат уйғотишга, рангларни кўра билишга, она-табиатга меҳр уйғотишга интилмоқда. Ўқувчилар шунчалик дарсга қизиқадиларки, кўпинча қўнғироқ чалинганини ҳам сезмай қоладилар. Чунки ўқитувчи дарсларни ҳамиша кўргазмали воситалар асосида қизиқарли ўтишга интилади.

Р. Альбеков суратлари.







⊙ НАШАФУРУШЛАР ВА УЛАРНИНГ МИЖОЗЛАРИ ҚОРА КУРСИДА

ЛИОНДА бўлган суд давомида 38 киши турли хил қамоқ жазосига ва жарима тўлашга ҳукм қилинди.

Айбдорлар курсисига нафақат нашафурушлар, балки уларнинг мижозлари ҳам ўтиришгани маълум бўлди. Судланувчилар орасида Франция собиқ бош вазирининг ўғли, журналист Франсуа Дебре, буюк рассом набирасининг собиқ хотини Лора Травелли-Пикассо, нашриётчи Гарри Жаковичи, шунингдек таниқли француз адибаси Франсуаза Саганлар бор. Ф. Саган суд давомида кўринмади; у соғлиғи қаноатлантирмаётганлиги тўғрисидаги медицина ҳулосасини кўрсатган. Шунга қармасдан суд барибир уни кучли таъсир этувчи наркотик моддаларни истеъмол қилганлиги ва сақлаганлиги учун шартли равишда 6 ой қамоқ жазосига ва 10 минг франк жарима тўлашга ҳукм этди. Бундан ташқари ёзувчи 360 минг франк божхона жаримаси тўлайди.

⊙ ХАВФЛИ САКРАШ

БИР уйнинг томидан бошқасига сакраб ўтиш бўйича профессионал каскадёр Рой Андерсон ўзининг жаҳон рекордини яна қарийб бир метрга узайтирди. Ғалати, гайритабиий Андерсон оралиғи 5,8 метрга тенг, баландлиги 6,5 метр бўлган иккита бешқаватли биноларнинг биридан иккинчисига сакраб ўтишга муваффақ бўлди. Бу воқеа Канаданинг Торонто шаҳрида рўй берди. Қизиғи шундаки, ҳамаёқда шов-шувга сабаб бўлган «Рокки—4» фильмида тасвирга тушишга улгурган 26 ёшли каскадёр ўзининг хавфли ҳунарини намойиш қилиш пайтида, ҳеч қандай ҳимоя воситаларидан фойдаланмади. Тўғридан-тўғри шуни айтиш мумкинки, Р. Андерсоннинг ҳаётини хавф-хатарга қўйиши, «Санъатни самимий севиши» дандир». У сакраганлиги учун бир чақа ҳам олмади.

⊙ КАШАНДАЛАРГА ҚАРШИ ҲУЖУМ

КАШАНДАЛИК жамият соғлигига жиддий хавф туғдирмоқда. У ҳозирги кунда шунчаки одат ёки кимларнингдир шахсий иши бўлиб қолмаслиги керак. — Швециянинг кашандаларга қарши курашувчи ташкилоти миссиясининг маърузасида ана шундай хулоса бор. Қайд этишларича, мамлакатда 70 йиллардан буён кашандалар сони бир мунча камайган. Аҳолининг 28 фоиз катта ёшдаги кишилари чекар экан. Маъруза муаллифлари бу бўлмағур одатни камайтириш учун яна қўшимча тадбирлар кўриш керак, деб ҳисобламоқдалар. Улар тамаки маҳсулотларини реклама қилишни, нархини оширишни, 18 ёшга тўлмаганларга тамаки маҳсулотларини сотишни қатъий равишда тақиқлашни ва 30 хил наъдаги юқори никотинли сигареталарни дўконларнинг пештахталаридан йўқотишни таклиф қилмоқдалар. Комиссиянинг фикрига кўра иш жойлари, хизмат хоналари, маишатгоҳлар ва ўринларининг сони 50 дан кўп бўлган қаҳвахоналарда (шулардан ярми чекмайдиганлар учун мўлжалланган бўлсин) чекишни тақиқлаш зарур.

Диққат, янгилик:
«Нафосат—90» рақс кўриги



Халқимиз руҳининг сиймоси

● **Ҳар бир халқ дил шодлигини, ҳаёт тарзини, дард-ташвишларини, ички ҳис-туйғуларини нафақат қўшиқларда, балки назокату нафосатли нозик рақсларда ҳам хиром айлаб ифода этади. Ўзбек халқимизнинг латофатли рақслари биргина «Баҳор» Давлат рақс ансамбли орқали дунёга шуҳрат таратгани сир эмас. Лекин кейинги пайтларда рақс санъатига, шу жумладан эркаклар рақс ўйинига эътибор камайиб қолгани бу соҳада «юлдузлар чиқмаётганидан ҳам сезилиб қоляпти. Рақс санъатимизнинг ана шу «кемтик» томонларига сайқал бериш мақсадида Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги, Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети шу йил 21 апрелдан 28 апрелгача жумҳуриятда биринчи ўзбек рақс кўрик-мусобақасини ўтказишни белгиладилар. Шу кўрик-танловнинг тадбирлари, мақсади ва натижаси қандай бўлиши ҳақида мухбиримиз Ўзбекистон ССР Маданият нозирлигининг бош мутахассиси Аҳмаджон РАҲИМОВ билан суҳбатлашди.**

— Рақс санъати бўйича ўтказиладиган бу қизиқарли кўрик мусобақасига кимлар қатнаша олади?

— Жумҳуриятимизда биринчи ўтказилаётган бу рақс кўрик-мусобақасида 18-30 ёшлар атрофидаги, жумҳуриятимиз театр ва концерт ташкилотларида, рақс ансамбларида хизмат қилаётган профессионал раққос ва раққосалар қатнашишлари мумкин.

— Мусобақа шартларига кўра қандай рақслар ижро этилади?

— Кўрик қатнашчилари Фарғона, Хоразм ва Бухоро рақс мактаби усулидаги классик рақсларни ижро этишлари шарт қилиб қўйилди. Иккинчиси эса замонавий, бугунги кунда яратилган рақс ёки фолклор-этнографик рақс бўлиши мумкин. Учинчисида, раққос ёки раққоса хонанда-ашулачи ижросида яллага тушиши шарт.

— Кўрик голиблари қандай мукофотланадилар ва тақдирланадилар?

— Раққоса ва раққослардан голибларига — лауреатларига ҳар хил даражали дипломлар, чет мамлакатларга саёҳат йўлланмалари берилади, лауреатлар Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлигига тавсия этиладилар.

— Айтингчи, бу кўрик-мусобақа рақс санъатимизнинг бугунги аҳволини ва унинг келажаги яхшиланишини аниқлашга ёрдам берадими?

— Катта ёрдам беради. Бу кўрик-мусобақанинг ўтказилишига рақс санъатимиз, мутахассисларимиз, ёш ижодкорларимиз жуда муҳтож бўлиб туришибди. Аввало мана шу кўрикда рақс санъатимиз олдида турган муаммоларни аниқлаб оламиз. Саволингиз юракдаги гапларни айтишга руҳлантирди. Очиқ айтиш керак, кейинги пайтда ўзбек рақс оламида бир қанча тушунмовчиликлар ва нуқсонлар пайдо бўлиб қолди?..

— Сизнингча, ана шу тушунмовчилик ва нуқсонлар асосан нималарда кўринади?

— Ҳудди шу ҳақда гапирмоқчиман. Тушунмовчилик шундаки, кейинги пайтда рақс санъатига иккинчи ва ҳатто учинчи даражали санъат деб қараляпти. Эътибор берайлик-а, қўшиқчилик рақс санъатини «босиб кетди». Қўшиқчилик ҳар қанча ривожлангани яхши. Лекин соф ўзбек рақсини кўпроқ ялла орқали, яъни қўшиқчи-хонанда атрофида томоша қиладиган бўлиб қолдик. Шундан кўринадики, рақс хироми ва жозибаси билан алоҳида ажралиб туриш ўрнига, хонанда-ашулачининг бир «безаги» вазифасини бажараётир. Шунинг учун ҳам мазмунли, чуқур ўйга толдирадиган, завқ-шавқ берадиган жозибаси жонга жо бўладиган рақсларимиз камайиб боряпти. Рақс санъатининг фариштаси Мукаррама Турғунбоева, ўзбек рақслари — мен учун халқнинг ёрқин сиймосидир, деган мазмундаги гапни бежиз айтмаган эди.

— Ўзбек рақс санъатимизда эркакларимиз рақси худди грузин эркаклари рақсидек жасурона ва ўзига хос салобатли эканлиги сир эмас. Мутахассис сифатида айтингчи, нима учун ўзбек эркаклар рақси деярли йўқолиб боряпти?

—Ҳақли ва қуюнчакли савол бердингиз. Бизда эркаклар рақси йўқолиб кетаяпти, очиғи у саҳнадан тушиб ҳам қолди. Бунинг биринчи сабаби, биз ўз яхши анъаналаримиз ва санъатимизга лоқайд қараганимиз, менсимаганимиз, ҳатто масхаралаб кулганимиздадир. Жумҳуриятимизда эркаклар рақсини ижро этадиган кадр-йигитлар тайёрлашга эътибор берилмайди. Бу масалани ўзбек хореография билим юрти раҳбарияти олдига асосий масала қилиб қўйиш керак. Бу билим юрти кўпроқ Европа балетига ургу бериб юборибми, миллий рақсни иккинчи ўринга тушириб қўйди. Ўзбек эркаклар рақсини ижро этадиган ёш кадрларни тарбиялаб етиштиришда энди фақат хореография билим юртига кўз тутиб ўтирмай, жойларда бадиий ҳаваскорлик тўгаракларидан ҳам фойдаланишимиз керак.

— Яна бир муаммоли масала бор. Кейинги пайтда турли рақс ансамбллари ўз-ўзидан кўпайиб боряпти, Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Рақс ансамбллари овқатланиш кафеси ёки ошхоналари эмас, шундай экан миллий маданият ва санъатимизни пул ишлаш омилига айлантирмаслигимиз, бунга йўл қўймаслигимиз керак. Ўзбек рақсига бағишланган биринчи жумҳурият кўрик-мусобақаси рақс санъатимизнинг чинакам соҳибларини аниқлашда ва унинг ривожида муҳим омил бўлади деб умид қиламиз.

— Рақс мусобақаси қатнашчиларига қандай шароитлар яратилган?

—Кўрик-мусобақа мутахассислари, рақс усталари суҳбатлар ўтказиб, маслаҳатлар беришади. Семинарларда ўзбек миллий рақсининг ички табиий олами, унинг асослари, бугунги кундаги йўналиши ва келажаги ҳақида маълумотлар атрофлича муҳокама қилинади. Биз бу кўрик-мусобақага барча ёш раққос ва раққосаларни таклиф қиламиз, уларга рақс санъатида юлдуз бўлиб порлашларини тилаймиз.

Суҳбатдош Тўлқин РАСУЛЕВ.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

С. И. Қадишев номидаги 33-авиация ҳунар-техника билим юрти

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учувчи аппаратларни йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, учувчи аппаратлар деталларини тайёрлаш ва парчинлаб иш бажариш бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, электр-газ пайвандчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ШАҲАР АТРОФИДА ЯШАБ ТУРУВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синфни тамомлаган ўқувчилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан истеъфога бўшатилган ёшлар учун ўқиш муддати — 6—10 ой. Ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади. 8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1—3 йил. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг талабаларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ва касб бўйича тегишли малака оширгани ҳақидаги ҳужжат берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга стипендия сақланган ҳолда ишлаб топган ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти ҳарбий-спорт базасига эга. Вокаль-чолғу ансамбли, Авиамодель тўгараги, миллий чолғу асбоблари ансамбли, сурат чизиш студияси, духовой оркестр, дельтопланда парвоз этиш, компьютер техникаси тўгараклари ишлаб турибди. Билим юртида Ёшлар техника ижодиёти лабораторияси ишлаб турибди. Бу ерда ўқувчиларга бажарган иши учун 100 фоиз меҳнат ҳақи тўланади.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга эса олий ўқув юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига, шунингдек барча олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилгани ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (0/86 форма), 6 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 103, 106, 119, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номидаги билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-47-70, 96-39-72.

«ФОТОН» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги

39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИЗЛАР УЧУН: ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи, электрон саноати асбобларини синовчи, электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси;

ЙИГИТЛАР УЧУН: технологик ускуналарни созловчи, радиоэлектрон аппаратураларнинг монтажчиси, кенг профилдаги станокчи.

Ўқишга 8 ва 10 синф маълумотига эга бўлган Тошкент шаҳри ва Тошкент области (Калинин, Оржоникидзе, Янгийўл районлари)да **яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.**

10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

МАШҒУЛОТЛАР — «ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл схемаларни йиғувчи», «электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси», «электрон саноати асбоблари синовчи» ихтисосликлари бўйича ўқиётган қизлар учун группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Ўқувчиларга ойига 77 сўм стипендия тўланади. Билим юртини тамомлагач ўқувчиларга эгаллаган касби бўйича малака оширганлик ҳақидаги диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини тамомлагач уларга касб эгаллаганлиги ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

Таълим даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар имтиёзли шартлар билан олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

Билим юрти ўқувчиларни информатика ва ҳисоблаш техникасига ўқитиш учун «КУВТ-86» ҳисоблаш машинасига, спорт базасига эга, вокал-чолғу ансамбли, самбо секцияси, радио ва техника ижодиёти тўгараклари ишлаб турибди.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, отасининг иш жойидан сиравка, 8-дона фотосурат, (4 дона — 3х4, 4 дона 4х5 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Весна кўчаси, (5, 12, 68э, 183-автобусларнинг «Узбум» бекати; 1, 5, 26 трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-51.

20 ВА 21 АПРЕЛЬ САОТ 19.00 ДА

«ЧОЙХОНА» ҚЎШИҚЛАР ТЕАТРИ

«ИНТУРИСТ» маданий-информацион марказига

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъаткор Юнус ТЎРАЕВ иштирокидаги

«ТЎРАЕВЛАР ОИЛАСИ КУЙЛАЙДИ»

КОНЦЕРТИГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ

ПРОГРАММАДА:

Ўзбек, тожик, эрон, турк, рус, украин қўшиқлари. Гулнора АБДУЛЛАЕВА ижросида

ШАРҚ РАҚСЛАРИ.

Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефонлар: 33-38-54, 33-84-31.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Совет кўчаси, 2-уй. «Октябрь инқилоби» метро станцияси.

22—27 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

«ЦИРК-МОСКВА» ҲАМКОРЛИК КОРХОНАСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ДАВОЛАШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Шифо талаб мурожаат этган 15 минг кишидан 10 минг нафари ўз дардидан фориғ бўлади.

Табобат фанлари номзоди, СССР Фанлар академияси Психологлар жамиятининг аъзоси, «Имкониятларимиз сарҳади» китобининг муаллифи, Душанбе шаҳрининг бош психотерапевти

доктор Анвар ИСОМИДДИНОВ

экстрасенсорлик сеанслари, руҳий муолажа ва гипноз воситасида инсонлардаги турли хасталикларни даволайди. Сеанслар кўп йиллик синовлардан ўтган система бўйича олиб борилади.

Бу сеанслар услубий жиҳатдан

А. ҚАШПИРОВСКИЙ

услубига ҳамоҳангдир.

Аллергия, астма, остеохондроз, кўз, тери, хотин-қизлар касалликлари, юрак ва ички органлар касалликлари, тутқаноқ, полиатрит, айрим бошқа касалликлар қисман ёки буткул тузалади. Оғриқ ҳислари ва ҳуружлар йўқолади.

Сеанслар уйқусизлик, ичкиликбозлик, кашандаликдан қутулишда ҳам самарали ёрдам беради. Дастур, савол-жавоб ва маслаҳатлар—ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1 МАЙ СОАТ 19.00 ДА,

2 МАЙ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ

НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ

ИШТИРОКИДА

«АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА

ҚАТНАШАДИ

Программани сўз устаси

МАШРАБ НАЗАРОВ олиб боради.

Касса соат 11.00 дан очиқ.

«ШУҲРАТ» САНОАТ МОЛЛАРИ МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ЧОРЛАЙДИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг

«ШУҲРАТ» САНОАТ МОЛЛАРИ

МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ноозиқ-овқат моллари кичик сотувчиларини тайёрлайдиган гуруҳларга навбатдаги қабулни

ЎТКАЗМОҚДА

10-синф маълумотига эга, Тошкент шаҳрида пропискаси бўлган 15—17 ёшдаги қизлар қабул қилинаяпти.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Талабаларга 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади. Курсларни битирганлар шаҳар савдо корхоналарига ишга йўлланадилар.

Ўқишни давом эттиришни хоҳловчиларга имтиёзли шартлар билан Тошкент совет савдоси техникумига ўқишга кириш учун имкониятлар берилади.

Мактаб-магазин макони: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 10-даҳа, 15-уй. 6, 11, 12, 13-троллейбусларда, 50, 54, 70, 78, 94-автобусларда бориш мумкин. Метронинг «Чилонзор» станцияси.

Маълумотлар олиш учун телефон — 75-58-77.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ.

«БАҲОР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР»—

ШУНДАЙ ШИОР ОСТИДА

20 — 22 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

1-ФИРМАЛИ МАГАЗИНДА

САВДО КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ



Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва кийим-кечак турлари ва модалари республика маркази савдо-кўргазмага ўзларининг қуйидаги маҳсулотларини

ТАҚДИМ ЭТАДИЛАР:

хотин-қизларнинг полиэстердан тикилган плашч ва курткаларини;

табиий ва сунъий шойидан ҳамда полиэстердан тикилган хотин-қизларнинг кўйлакларини;

ўсмирлар учун шойидан тикилган кўйлакларни;

шойи ва ип-газламадан тикилган комплектларни;

табиий шойидан тикилган яктаксимон уст кийимларини;

полиэстердан тикилган юбкаларни;

ип-газламадан тикилган халатларни.

Магазиннинг макони: Навоий кўчаси, 18,7, 8, 16-трамвайларда борса бўлади, метронинг «Пахтакор» станцияси.

Магазин соат 10 дан 19 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш куни — душанба.

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМАЛИ САВДО БИРЛАШМАСИ.

Қадрли тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!

19—22 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ СОАТ 11.00 ДА

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида

КИНОЛЕКТОРИЙ БИНОСИДА

вилоят пуфлаб чалинадиган мусиқа конкурсининг лауреатлари иштирокида

ЖУМҲУРИЯТ ПУФЛАМА МУСИҚА КОНКУРСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 107-уй.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—18/IV да **Севги ҳақида афсона.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IV да **Курорт.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 18/IV да **Шайтон ва муридлар.**

КИНО

18 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «УЧРАШУВ» (катта зал, 18.30, 20.45); «ИНТЕР ҚИЗ» (кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «УЧРАШУВ» (18.30, 21.00).

Восток — «ҚОЧИШ», «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (18, 21.00).

Қозогистон — «УЧРАШУВ» (17, 18, 20.00).

Лисунов номли — «САВР КОСАСИ» (тоқ соатларда).

19, 20, 21, 22 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «УЧРАШУВ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45); «ИНТЕР ҚИЗ» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «ҚОЧИШ», «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (12, 15, 18, 21.00).

Қозогистон — «УЧРАШУВ» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.00).

Лисунов номли — «АТЛАНТИК-СИТИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА», «ҚОРА ВОТИНКАЛИ МАЛЛАСОЧ ҚИЗИ» (12, 15, 18, 21.00).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

1-лига командалари ўртасида 53-СССР биринчилиги учун

ФУТБОЛ

20 АПРЕЛЬ СОАТ 18.00 да «ПАХТАКОР» (Тошкент — «МЕТАЛЛУРГ» (Запорожье).

Танаффус пайтида спорт-буюм лотереялари ўйналади. Серия номерлари 52001 дан то 54000 гача.

КУПЧИЛИК БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНЯПТИ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 10029.

Тираж 137 200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.